



САМАРАЛИ ФИСКАЛ СИЁСАТНИ ТАШКИЛ ЕТИШ
БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ

Сайдакбарова Мадинахон Анисбековна

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
“Макроиқтисодий сиёсат ва прогнозлаштириш”
кафедраси мустақил изланувчиси*

Аннотация: *Мазкур мақолада самарали фискал сиёсатни ташкил этиш бўйича хорижий мамлакатларнинг тажрибаси таҳлил қилинади. Фискал сиёсат иқтисодиётни бошқаришнинг асосий воситаларидан бири сифатида кўриб чиқилиб, бюджет баланси, солиқ сиёсати, давлат харажатларини оптималлаштириш ва қарзни самарали бошқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.*

Калит сўзлар: *Фискал сиёсат, давлат бюджети, иқтисодий барқарорлик, солиқ ислохотлари, божхона тизими, иқтисодий ривожланиш, бюджет даромадлари, бюджет харажатлари.*

Abstract: *This article analyzes the experience of foreign countries in organizing an effective fiscal policy. Fiscal policy is considered as one of the main means of managing the economy, and special attention is paid to the issues of budget balance, tax policy, optimization of public expenditures and effective debt management.*

Keywords: *Fiscal policy, state budget, economic stability, tax reforms, customs system, public finances, economic development, budget revenues, budget expenditures.*

Жаҳонда тўпланган бой тажрибалардан самарали фойдаланиш борасида мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев “Солиққа тортиш масаласида амалиётда синалган принцип ва ёндашувларни ишлаб чиқиш, бу борада бошқа мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш ўта муҳим аҳамиятга эга”¹⁷ эъанлигини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда фискал сиёсатнинг ўрни, самарали солиқ маъмуриятчилигининг замонавий йўналишлари, жаҳон солиқ амалиётида акцизоти товарларни солиққа тортишнинг самарали тадбирларига оид тажрибалардан республикаимизда кенг фойдаланиш масалалари ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири саналади.

Жаҳон бюджет-солиқ амалиёти натижалари шуни кўрсатмоқдаки, бюджетга солиқ тушумлари таркибида жисмоний шахслардан олинadиган солиқлар муҳим ўрин эгаллайди. Мазкур солиқлар тўғри солиқлар турига киради ва дунёнинг деярли барча иқтисодий ривожланган мамлакатларида амал қилади.

¹⁷Ш.М.Мирзиёев “2017 йил - шиддатли ислохотлар йили”. Т.: Адолат, 2018. – 96 б.



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATION G'OYALAR



Жаҳон солиқ амалиёти тажрибаларининг таҳлили ҳозирги кунда солиққа тортиш тизимининг тўрт тури ҳамда хорижий мамлакатлар солиқ тизимининг тўрт хил модели амал қилаётганлигини тасдиқлайди (1-жадвал).

1-жадвал.

Жаҳон солиқ амалиётида солиққа тортиш тизими гуруҳлари ва хорижий мамлакатлар солиқ тизими моделларининг тавсифи

Жаҳон солиқ амалиётида солиққа тортиш тизими гуруҳлари		
Солиққа тортиш тизими гуруҳи	Мазкур гуруҳга мансуб мамлакатлар	Солиқ тизими гуруҳининг хусусиятли белгиси
Англо-саксон солиқ тизими	АҚШ, Буюк Британия, Австралия	Тўғри солиқларнинг эгри солиқларга нисбатан устунлиги ва даромад солиғининг катта рол ўйнаши
Евроконтинентал солиқ тизими	Европа мамлакатлари (Германия, Италия, Франция ва бошқалар)	Эгри солиқлар (ҚҚС бошчилигида)нинг тўғри солиқларга нисбатан устунлиги ва ижтимоий суғуртага ажратмалар ставкаларининг юқорилиги
Латинамерика-ча солиқ тизими	Аргентина, Боливия, Бразилия, Венесуэла, Гаити, Гватемала, Гондурас, Доминикан Республикаси, Колумбия, Коста-Рика, Куба, Мексика, Никарагуа, Панама, Парагвай, Перу, Сальвадор, Уругвай, Эквадор, Чили.	Эгри солиқлар тўғри солиқлардан устунлик қилади ва бюджет даромадларининг асосини ташкил этади. Мазкур тизим юқори инфляция даражаси шароитида самарали ҳисобланади.
Аралаш солиққа тортиш тизими	Скандинавия давлатлари (Норвегия, Швеция, Дания, Финляндия), ривожланаётган мамлакатлар	Ушбу гуруҳ турли солиқ тизимларининг белгиларини ўзида мужассам этиши мумкин ¹⁸ . Скандинавия давлатларига хос иқтисодий тараққиёт моделида солиқ ставкаларининг юқори даражасини сақланиб қолсада, устувор иқтисодий йўналишларни солиқлар воситасида рағбатлантириш мақсадида солиқ чегирмаларидан кенг фойдаланилади. Ривожланаётган давлатларда солиқ имтиёзларига асосий урғу берилиб, иқтисодиётни ривожлантириш

¹⁸ Crus A. M. Fundamentals of Taxation. McGraw-Education, 2017. – p.210 (800p.).



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'OYALAR



		ва бу орқали кенгайган солиқ солинадиган базани шакллантириш натижасида солиқ тушумларининг ошишини назарда тутди.
Хорижий мамлакатлар солиқ тизими моделлари¹⁹		
Солиқ тизими модели	Мазкур моделга мансуб мамлакатлар	Солиқ тизими моделининг хусусиятли белгиси
<i>Америка модели</i>	АҚШ	Мамлакатнинг солиқ тизими жуда катта бошқарув тизими ва ижрочилик аппаратида, шу жумладан 50 мингдан ортиқ мустақил ҳолда фаолият юритувчи хусусий солиқ маслаҳатчиларига эгаллиги билан алоҳида ажралиб туради; мамлакат солиқ тизимида қатъий марказлаштиришнинг йўқлиги, мамлакат солиқ тизимининг 3 поғоналиги, яъни федерал, штат ва шаҳар солиқларининг мавжудлиги ва ҳар бир даражанинг тўлиқ мустақиллиги; ноқонуний даромад манбалари тўғрисида маълумот берувчи кўнгилли ахборотчилар тармоғининг мавжудлиги.
Япония модели	Япония	Молия, солиқ, банк, суғурта, божхона хизматлари ва шу каби давлат бюджетини сармоёга тўлдирадиган тизимлар Япония Молия Вазирлиги назорати остида тартибга солинади; Японияда жуда юксак даражада ватанпарварлик руҳи, мамлакатга, давлат бошқарув органларига, вазирликларга, меҳнат бўлими битимини имзолаган компанияга, фирмага, муассасага содиқлик ҳисси мавжудлиги ва натижада кадрлар қўнимсизлигининг йўқлиги, шу жумладан солиқ органлари тизимида ҳам кузатилмайди.

¹⁹ Кретьова Н.В., Мокрецова О.И. Налоговая система зарубежных стран. Уч. пос. Иркутск, ИрГУПС, 2012. - с.212





Европа модели	Европа мамлакатлари	Европадаги мамлакатлар ўртасида иқтисодий бирлашишга доимий интилиш мавжуд. Шунинг учун уларнинг иқтисодиётдаги айрим бошқарув тизимларини кўриб чиқадиган бўлсак, улар бири-бирига жуда яқин. Шу боисдан уларнинг солиқ тизими жаҳон амалиётида «Европача модел» деб юритилади; солиқ фаолиятининг унитар шакллари мавжуд бўлиб, бўларга ягона андозалар, ёндошувлар, талқин қилишлар, солиқ декларацияларининг шакллари, иш тамойилларини киритиш мумкин.
"Ностандарт" модел	Кичик ҳудудли ёки оролларда жойлашган давлатлар, эркин иқтисодий зонага эга (оффшор зонали) давлатлар ва қатор бошқа давлатлар (Кипр, Люксембург, Малдив ороллари)	Улар учун асосан турли солиқ имтиёзлари ва енгилликлари, «солиқ таътиллари» қўлланилади.

Маълумки, ҳар қандай мамлакатда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб туриш ва инқирозлар олдини олиш юзасидан солиқ сиёсатини самарали юритишда солиқ механизмнинг дастаклари (имтиёз ва преференциялар, махсус режим, чегирма ва қайта ҳисоблашлар, инвестицион солиқ кредити ва ҳ.к.)дан кенг фойдаланилади.

Авваломбор, ривожланган давлатлар солиқ амалиётида ҳозирда бўлган солиқ турлари таҳлили шуни кўрсатадики, уларда бизнинг солиқ амалиётимиздан фарқ қилувчи, айрим ноанъанавий солиққа тортиш объектлари ҳам учрайдики, улар билан умумий тарзда танишиб чиқиш, тадқиқимиз учун зарурдир. Айниқса, акцизоти товарларни солиққа тортишнинг самарали тадбирлари ва уларнинг афзалликларини жаҳон солиқ амалиёти тажрибалари тасдиқламоқда.

Жаҳон мамлакатлари солиқ органларининг ташкилий таркиби ва бўйсунуви тамойилларига кўра 180 та мамлакат бўйича фарқланишининг ўрганилиши уларнинг тўртта мезон бўйича гуруҳларга бўлинишини ва Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг аралаш моделга ҳослигини кўрсатди.

Ҳозирги замон жаҳон солиқ амалиётида юзага чиқаётган муҳим жиҳатлардан бири – жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни ундириш механизмнинг самарали тадбирлари таркибида солиқ тўловчилар томонидан ўз солиқ мажбуриятларини





ихтиёрий равишда ижро этишни рағбатлантиришга оид янги ҳамкорлик жиҳатлари, жумладан, солиқ тўловчиларни оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилиш тизимларини кенгайтириш, солиқ тўловчиларга маслаҳатлар бериш ва улар билими, саводхонлигини ошириш учун Call-марказлар фаолиятдан фойдаланиш, ҳисобот буклетлари, декларациялар намуналарини бепул тарқатиш ва х.к. муҳим ўрин тутмоқда.

Аҳоли ўртасида солиқ маданиятининг юқори бўлиши ривожланган давлатлар тажрибасида, жумладан, Япония, Жанубий Корея ва Германия каби давлатларда “Public relations”, яъни жамоатчилик муносабатларини кенг шаклланганлиги билан бевосита боғлиқдир. Масалан, Японияда ҳудудий давлат солиқ идораларида телефон орқали 600 дан ортиқ солиқ маслаҳатчилари хизмат кўрсатади, солиқ хизмати ходимлари билан юзма-юз ҳолда, ёзма равишда ёки веб сайтлар орқали мурожаат қилган шахсларга ҳам алоҳида хизматлар кўрсатилади. Шунингдек, мустақил фаолият кўрсатувчи 70 мингга яқин малака сертификатига эга бўлган шахслар томонидан солиқ маслаҳати хизмати кўрсатилади²⁰. Бу эса ўз навбатида 1,8 мингдан ортиқ кишига 1 та малака сертификатига эга бўлган мустақил фаолият юритувчи шахс тўғри келишини ифода этади ва солиқ маслаҳати хизматини юқори даражада шаклланганлигидан далолат беради.

Жанубий Кореяда эса Миллий солиқ хизмати таркибида солиқ тўловчилар билан ишлаш бўйича алоҳида Мижознинг талабини қондириш (солиқ тўловчилар мурожатлари бўйича ишлаш) маркази ташкил этилган. Миллий солиқ хизматининг ушбу марказида солиқ тизимида камида 10 йил тажрибага эга бўлган ходимлар ишлаши белгилаб қўйилган.

Кўпчилик давлатлар (АҚШ, Франция, Германия, Швейцария) жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар маъмуриятчилиги амалиётида миллий солиқ қонунчилигида *“солиқ тўловчиларнинг солиқ текширувлари жараёнида тегишли тушунтириш ва асосларни текширувчиларга етказиб беришларининг мажбурийлиги”* белгилаб қўйилган ва ушбу талабнинг бузилиши қонуний тарзда жавобгарлик учун асос бўлади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O‘zbekiston Respublikasining Konstitusiyasi. - T.: «O‘zbekiston», 2023.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 11.09.2023 yildagi PF-158-son ““O‘zbekiston — 2030” strategiyasi to‘g‘risida” Farmoni.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 28.01.2022 yildagi PF-60-son “2022 — 2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni.

²⁰ Outline of Japanese Tax Administration,/ Seminar on Tax Administration./ February 15, 2010./ Tokyo /JICA.



4. Rahimov, E. N. "Regional Economic Security and Its Main Features." *EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY* 4.2 (2024): 100-107.

5. Rakhimov, Eshmurod Normurodovich. "Scientific-Theoretical and Practical Aspects of Increasing the Tax Potential in Ensuring the Economic Security of the Regions." *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding* 8.12 (2021): 216-226.

6. Rahimov, E. N. "Factors Affecting Economic Security." *International Conference of Economics, Finance and Accounting Studies*. Vol. 2. 2024.

7. Raximov, E. N. "Hududiy iqtisodiy xavfsizlik va uning asosiy xususiyatlari." (2023).

8. Eshmurad, Rakhimov. "Normuradovich." Issues of Strengthening the Economic Security of the Region." *International Journal on Economics, Finance and Sustainable Development* 4 (2022): 35-41.